

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ADLIA VAZIRINING
BUYRUGI

561 Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш,
2017 йил 20 июнь,
144-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2017 йил 20 июндаги
144-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «ҳам танлов ўтказилиши мумкин» деган сўзлар «танлов ўтказиш мазкур Низом 28¹-бандининг иккинчи хатбошисида белгиланган тартибда амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «эълон берилади» деган сўзлардан сўнг «, мазкур Низом 2-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 28¹-бандда:

биринчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган талабгорларга нотариуснинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллариغا, шунингдек, болаларни парваришлаш таътиллариغا чиқиш даврида унинг ўрнида вақтинча нотариус лавозимида ишлаш таклиф этилиши мумкин.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 28²-банддаги «Танловларда кетма-кет» деган сўзлар «Сўнгги олти ой давомида ўтказилган танловларда кетма-кет» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 30-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

6. 34-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар талабгор нотариуснинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллариغا, шунингдек, болаларни парваришлаш таътиллариغا чиқиши даврида унинг ўрнида вақтинча нотариус лавозимида ишлаш учун тайинланган бўлса, у билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва адлия бошқармаси томонидан тегишли буйруқ чиқарилади.».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

562 «Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти-
нинг миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик
текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат
тизимини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1673-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон «Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1673, 2007 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 162-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 июнь,
61-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 1 июндаги
61-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг
миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари
жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини
баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.